

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2007 й., 29-30-сон, 295-модда, 37-38-сон, 377-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда, 38-сон, 329-модда, 51-сон, 481-модда; 2011 й., 52-сон, 555-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда, 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда)

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг [7-моддасига](#) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқлансин ([1-илова](#)).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига мувофиқ ҳолга келтирсин, шунингдек вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар мазкур [рўйхатга](#) зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари [2-иловага](#) мувофиқ ўз кучини тўлиқ ёки қисман йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2001 йил 12 май,
222-II-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон [қарорига](#)
1-ИЛОВА

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг РЎЙХАТИ

[Олдинги тахрирга қаранг.](#)

 [LexUZ шарҳи](#)

Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори билан тасдиқланган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати».

Қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, ҳимояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини, агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган «Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда

материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш.

Ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек совуқ қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш.

Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақлаш сигнализацияларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 136-сон қарори билан тасдиқланган «Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомаласи соҳасидаги фаолият.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 мартдаги 111-сон қарори билан тасдиқланган «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган «Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиб ташлаш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш, шунингдек таркибида гиёҳванд моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори билан тасдиқланган «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Ветеринария фаолияти.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори билан тасдиқланган «Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Тиббий фаолият.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Фармацевтика фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#).

Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган «Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган «Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган «Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган «Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган «Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Баландликларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган «Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл

транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарори билан тасдиқланган «Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори билан тасдиқланган «Автомобиль транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Телекоммуникациялар тармоқларини қуриш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Телекоммуникациялар тармоқларига хизмат кўрсатиш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Қимматбаҳо ва нодир металлларни, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш.

 *LexUZ шарҳи*

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 112-сон қарори билан тасдиқланган «Қимматбаҳо ва нодир металллар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш

материалларини) реализация қилиш, бундан заводда идишларга қадокланганлари мустасно.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарори билан тасдиқланган «Нефть маҳсулотларини сотиши бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиши шохобчалари ва мой алмаштириши пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#) ва «Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиши шохобчалари ва мой алмаштириши пунктлари орқали сотиши бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Этил спирти ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган «Этил спирти ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариши фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Банк фаолияти.

LexUZ шарҳи

Қаранг: «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#) (рўйхат рақами 2014, 08.10.2009 й.).

[Олдинги тахрирге қаранг.](#)

Банклар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш.

(ўттиз биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли [Қонуни](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)

LexUZ шарҳи

Қаранг: «Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш [қоидалари](#)» (рўйхат рақами 463, 03.08.1998 й.).

Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 ноябрдаги 506-сон қарори билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Баҳолаш фаолияти.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган «Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Аудиторлик фаолияти.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги [низом](#).

Ломбардлар фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: «Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#) (рўйхат рақами 1291, 10.12.2003 й.).

Лотереялар ташкил этиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарори билан тасдиқланган «Лотереялар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Адвокатлик фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Божхона омборини таъсис этиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори билан тасдиқланган «Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Божсиз савдо дўконини таъсис этиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори билан тасдиқланган «Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Божхона режимида омборхона таъсис этиш — «эркин омборхона».

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори билан тасдиқланган «Эркин омбор фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Геодезия ва картография фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори билан тасдиқланган «Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Ноширлик фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарори билан тасдиқланган «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги 169-сон қарори билан тасдиқланган «Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#).

Диний таълим муассасаларининг фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган «Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намоиш этиш.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган «Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намоиш этиш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган «Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Фонограммаларни тайёрлаш.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган «Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш, шунингдек фонограммаларни тайёрлаш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

[Олдинги тахрирга қаранг.](#)

Концерт-гомоща фаолиятини амалга ошириш.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 354-сонли қарори билан тасдиқланган «Концерт-гомоща фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#).

(эллигинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли [Қонуни](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)

[Олдинги тахрирга қаранг.](#)

(эллик биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли [Қонунига](#) асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)

Биржа фаолияти.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Туризм фаолияти.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори билан тасдиқланган «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Улгуржи савдо.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

 [LexUZ шарҳи](#)

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган «Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Микрокредит ташкилотлари фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#) (рўйхат рақами 2093, 13.12.2010 й.).

Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сонли қарори билан тасдиқланган «Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Риэлторлик фаолияти.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сонли қарори билан тасдиқланган «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги [низом](#).

Кредит бюрolari фаолияти.

(1-иловининг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли [Қонуни таҳририда](#) — ЎР ҚХТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда)

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг 2001 йил
12 майдаги 222-II-сон [қарорига](#)
2-ИЛОВА

Ўз кучини тўлиқ ёки қисман йўқотган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг

РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «Корхоналар (ташкилотлар) фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақида»ги [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4, 182-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1992 йил 26 ноябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда қабул қилган «Корхоналар (ташкилотлар) фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақида»ги 516-XII-сонли қарорга қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 2, 110-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги қарорининг [3-банди](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 16-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1993 йил 11 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда қабул қилган «Корхоналар (ташкилотлар) фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақида»ги 516-XII-сонли қарорга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 2, 124-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш

тўғрисида»ги қарорининг [учинчи](#) ва [бешинчи хатбошилари](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 263-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Корхоналар (ташкilotлар) фақат махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг рўйхати ҳақида»ги қарорига қўшимча киритиш тўғрисида»ги [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 330-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги қарорининг [2-банди](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 51-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1994 йил 18 апрелда қабул қилинган «Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар (ташкilotлар), шу жумладан чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг Рўйхатига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 4, 109-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг тўртинчи хатбошиси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 143-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1994 йил 31 августда қабул қилинган «Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар (ташкilotлар), шу жумладан чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турларининг Рўйхатига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги [қарори](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 8-9, 244-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг айрим қарорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг тўртинчи хатбошиси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 258-модда).

12. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг [X бўлими](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда).

13. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг [XIX бўлими](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда).

14. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг [III бўлими](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда).

15. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг [III бўлими](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 20-модда).